



**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**  
**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

*Vobkent – 2022 йил*

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

# **Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

## **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

### **1.1. Танлов предмети Бухоро вилоят Вобкент ТИФУКга қарашли объектларга юк ташиш хизмати**

Материал номи: Қум шағал аралашмаси

Юк миқдори (тонна) : 3750

Масофа (км) : 40 км

Товар сони (тн/км) : 150 000

Тн/км бошланғич баҳоси : 1200 сўм

Жами бошланғич сумма : 180 000 000 сўм

1.2. Танлов охирги қиймати - 180 000 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб йил давомида 2022 йил 31 декабрга кадар

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## **2. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

2.1. **Вобкент ТИФУК** (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси хисобланади.

**“Буюртмачи” манзили:** Бухоро вилояти Вобкент туман Беруний куча 10 уй.

**Эл.адрес:** vobkent\_yul@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Вобкент ТИФУК “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловга иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
  - Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
  - Шартномалар тузиш юзасидан фукаролик – муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар;
  - Танлов обьектига ўхшаш обьектларга ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
  - Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
  - Танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми ( 50 %дан кам бўлмаган ҳолда).
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этиш рухсат берилмайди:
  - Қайта ташкил этиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
  - Мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, ҳолдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида порталга электрон танловлар ўtkазиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:
  - Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қуйидаги техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
  - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўлов талаблари ва якуний тўловлар, ҳамда бошқа кўрсаигичлар кўрсатилган бўлиши керак
- 4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, корхона бланкасида имзоланган пдф формат шаклида, бетлари рақамланган ҳолда;
- Техник хужжатлар рўйхати (техник паспорт ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ҳамда илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчиси : - ФАҚАТ БИТТА таклиф бериши мумкин;

4.6. Тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларининг хаққонийлигига ўзи жавобгар бўлади.

4.7. Таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. **ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунига узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддати узайтирилиши фақат хармд комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. **ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдирлар.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилганидан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. **БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати

тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Танловни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатлариға ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда, ундан олдин олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижалариға доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

Тузди: Ф.Кулдашев

